ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
БД 5540200-4.07
2006 й. «4» август

«ТАСДИҚЛАНДИ»
ЎзРОЎМТВ
166
2006 й. «18» июнь

# КОНЧИЛИКДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ФАНИ

# Д А С Т У Р И

5540200 – «Кончилик иши» ва
5140900-«Касб таълими» (5540200-«Кончилик иши»)

таълим йўналишлари учун

Тошкент – 2006

4.07

Тузувчилар: – Навоий давлат кончилик институти «Кончилик иши» кафедраси мудири п.ф.н. **Мислибоев И.Т.,**
Навоий давлат кончилик институти «Кончилик иши» кафедраси ўšитувчиси **Хакимов Ш.И.,**
Навоий давлат кончилик институти «Кончилик иши» кафедраси ўšитувчиси **Зоиров Ш.Ш.**

Таķризчилар: – Тошкент давлат техника университети «Кончилик иши» кафедраси доценти, т.ф.н. **Каюмов З.Г.,**
– «Кончилик» илмий ишлаб чиķариш маркази бош мутахассиси т.ф.н., доцент **Кузнецов А.Н.**

Дастур Навоий давлат кончилик институти илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган.

**2006 йил 29 март, 6 - сонли баённома.**

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2006 йил
"____" ______ __ - сонли қайдномаси билан тасдиққа тавсия этилган.

**Кириш**

Ушбу дастур фанни ўқитишда ҳозирги замон кончилик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва уни самарали режалаштириш усулларини ҳисобга олган ҳолда, унинг Республикамиздаги ижтимоий–иқтисодий ислоҳотлар натижалари ва ҳудудий-тармоқ муаммоларига таъсири масалаларини қамрайди.

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларни кончилик корхоналарида ишлаб чиқаришни самарали уюштириш ва режалаштириш бўйича таълим йўналиши профилига мос, таълим стандартида талаб қилинган билимлар, кўникмалар ва тажрибалар даражасини таъминлашдир.

## Ишлаб чиқариш жараёни, уни ташкил этиш тамойиллари ва шакллари

Кончиликда ишлаб чиқариш жараёни ва унинг элементлари. Фойдали қазилмани очиш, майдонни очишга тайёрлаш, тозалаш, бойитиш, юклаш ва ташиш, бурғулаш, портловчи моддалар тайёргарлиги, қурилиш-монтаж ва қайта тиклаш ишларининг мазмуни. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг фундаментал қоида-шакллари. Ишлаб чиқариш жараёнларининг ташкилий-техникавий жиҳатлари ва уларнинг корхона хўжалик фаолияти харажатлари, маҳсулот ҳажми, унинг сифати, меҳнат унумдорлиги, рентабеллиги даражасига таъсир кўрсатиши.

Кончилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қуввати. Корхонада асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш ва уни амалга ошириш йўллари.

## Маҳсулот сифати, уни оширишни бошқариш ва назорат қилиш усуллари

Маҳсулот сифатининг техник назоратини ташкил этиш зарурияти ва аҳамияти, унинг маҳсулот рақобатбардошлиги, сифати, техник даражасини оширишнинг ажралмас қисми эканлиги. Техник назорат тизими элементлари. Назорат объекти, бевосита технология назорати, назорат воситаси ва назорат девони ходимлари. Техник назорат бўлими ва унинг вазифалари, сифатни таъминлаш, сифатсизликни ҳисобга

олиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш; сифат тўғрисидаги ахборотларни қайта ишлаш ва бошқа масалаларни ечиш йўллари. Саноат корхоналарида техник назорат воситалари ва унинг амал қилиш йўллари. Маҳсулотни сертификациялаш ва унинг назорати.

**Кончилик корхонасида ишлаб чиқаришини ва меҳнатни ташкил этиш**

Фойдали қазилма бойликларини ер ости ва очиқ усулларда қазиб олишда асосий ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Карьернинг транспорт ишларини ташкил этиш. Кончилик корхоналарида ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларини ташкил этиш. Кончилик корхоналарини самарали бошқаришни ташкил этиш. Кончилик корхоналарида меҳнат жамоаларини уюштириш. Меҳнат жамоаларини бошқариш. Корхонада меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш. Кончиликда бажарилган ишнинг ҳажми, фойдали қазилма қазиб олишда технологик йўқотишлар, иш хақи, ходимлар меҳнатини сон ва сифат жиҳатдан ўрганган ҳолда тақсимлаш. Иш ҳақи турлари. Мотивация шакллари.

**Кончиликда ишлаб чиқаришни илмий-техник ва ташкилий-иқтисодий тайёрлаш**

Маҳсулот ишлаб чиқаришда илм-фан ютуқларини жорий этиш, унинг давомийлиги ва техник тайёргарлик ишлари. Кончиликда ишлаб чиқаришни илмий-техник тайёрлашнинг мазмуни, ҳажми ва шакллари, уларга таъсир этувчи омиллар тизими. Лойиҳалаш, техник

тайёрлаш, конструкторлик ва технологик тайёргарлик ишларининг босқичма-босқичлиги.

**Кончиликда транспорт хœжалигини ташкил этиш**

Кончиликда материал, тоғ жинслари, хом-ашё, ярим фабрикатлар, бутловчи-тайёр маҳсулотлар ҳамда чиқиндиларни бир манзилдан иккинчисига ташишни ташкил қилиш. Ташқи транспорт, цехлараро қатнайдиган транспорт, цех ва омборлар ичидаги юкларни ташиш транспорти. Юк ташиш ҳажми айланмаси, юк оқими бўйича технология жараёни талаби асосида турли йуналишларда вақт бирлигида ташиладиган юк миқдорини ҳисоблаш.

## Амалий машғулотлар

Амалий машғулотларда талабалар кончилик ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва режалаштиришнинг самарали йўл-йўриқлари ва усулларини ўрганадилар. Буларга қуйидагилар тaалуқлидир: фанннинг корхонани ташкил этиш; корхона фаолиятини режалаштириш ва башорат қилиш; ишлаб чиқаришнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик самарадорлиги; корхона ишлаб чиқариш қуввати; ишлаб чиқаришни ташкил этиш

усулларини ўрганиш (ишлаб чиқаришни оптимал ташкил этиш меъёрларини ҳисоблаш); кончиликда ишлаб чиқариш ва бошқарув ташкилий тизимини такомиллаштириш йўналишлари; кончиликда ишлаб чиқариш жараёнлари циклларини мувофиқлаш усуллари; кончиликда лойиҳалаштириш усуллари; кончиликда таъмирлаш, кончиликда маҳсулот сифатини аниқлаш ва назорат қилиш усуллари; кончилик ишларига бўлган талаб-таклифни башоратлаш усуллари; меҳнат унумдорлиги ва уни ҳисоблаш усуллари; стратегик режа ишлаб чиқиш ҳамда унинг босқичларини белгилаш.

## Мустақил иш

Ушбу ўқув фани бўйича талабанинг мустақил иши маърузалар конспекти, тавсия этилган адабиётлар ҳамда даврий журналлар ва Интернет материаллари билан ишлашни, амалий машғулотлар бажаришга тайёргарлик кўришни, рефератлар ёзишни, стандарт талабларига мос равишда ва ҳисоблаш техникасидан фойдаланган ҳолда мустақил бажаришни ўз ичига олади.

## Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

### Асосий

1. Алимходжаев С.Р. Эффективность развития горно-металлургического комплекса Узбекистана Т: ТГТУ,2004.
2. Ортиқов А. Экономика промышленности. – Т.: ТГЭУ, 2000.
3. Махмудов Э.Х., Юлдашева Ш.М., Календарёва С.Г. Экономика предприятия. – Т.: ТГЭУ, 2005.

4. Галиев Ж.К. Экономика предприятия. Общий курс с примерами из горной промышленности: Учебник для вузов. – М.: МГГУ, 2001.
5. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. –Т.: ЎЁУ Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.

## Қўшимча

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
2. Ўлмасов А., Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: Шарқ, 2006.
3. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланмаси. – Т.: Молия, 2000.
4. Бляхман Л.С. Экономика фирмы. Учеб. пособие. – СПб.: 1999. – 279 с.
5. Кучерский Н.И. Золото Кызылкумов. –Т.: Шарк,1998.
6. Даврий нашрлар («Œзбекистон кончилик хабарномаси–Горный вестник Узбекистана», «ТДТУ хабарлари», «Техника юлдузлари», «Узбекский геологический журнал», «Горный журнал», «Горный информационно-аналитический бюллетень», «Физико-технические проблемы горного дела», «Подземное и шахтное строительство», «Уголь», «Минеральные ресурсы России», «Mining Journal», «Mining in Canada», «Mining and Metallurgy», «Mining Technology»).
7. Интернет сайтлари:
   www.ecsoman.edu.ru - Россия Федерация олий ўқув юртларида ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув-услубий мажмуалар;
   http://sunny.ccas.ru/library.html – Жаҳон кутубхоналари сервери;
   www.cfin.ru - жамоавий (корпоратив) бошқарув;

www.salesmanagment.ru – сотувни бошқариш;
www.gaap.ru - (Халқаро стандартлар)
www.intelpro.ru/pub
www.5ballov.ru.
www.referat.students.ru
http://www.elibrary.ru/menu_info.asp – илмий электрон кутубхона.
http://mggu.da.ru – Москва давлат кончилик университети.
http://www.mining-journal.com/mj/MJ/mj.htm - Mining Journal
http://info.uibk.ac.at/c/c8/c813 - Institute of Geotechnical and Tunnel Engineering
http://www.rsl.ru – Россия давлат кутубхонаси.
http://www.rsl.ru/r_frame.asp?http://www.edd.ru – Электрон адабиётлар нусќаси.
http://www.minenet.com – Mining companies.
http://www.uz/rus/industries/cmi.htm - Угледобывающая
промышленность Узбекистана.
http://www.uz/rus/industries/zdo.htm - Золотодобывающая
отрасль.